БАДИИЙ АДАБИЁТДАГИ ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР МУНОСАБАТИ ТАЛҚИНИГА ДАВР МАФКУРАСИНИНГ ТАЪСИРИ (Саид Аҳмад ҳикоялари асосида)

Ф. Кийикбоев

Мақолада Саид Аҳмад ҳикоялари асосида бадиий адабиётдаги оталар ва болалар муносабати талқинига тоталитар тузум мафкурасининг таъсири масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: *мафкура, социалистик реализм, комунистик ахлоқ нормалари, «партия десанти», ҳикоячи-муаллиф.*

В статье на примере рассказов Саида Ахмада освещены вопросы влияния идеологии тоталитарного режима на интерпретацию проблемы отцов и детей.

Ключевые слова*: идеология, социалистический реализм, нормы коммунистической морали, «партийный десант», автор-повествователь.*

On the bases of Said Ahmad's short stories the author discusses he influence of totalitarian regime on the relations of fathers and children in literature.

Key words*: ideology, socialist realism, norms of communist morality, author- narrator, 'party-dessant'.*

«Соғлом бола йили» халқимиз ҳаётига янада жўшқинлик, чуқур мазмун, орзу-мақсадларимизга теранлик, саъй-ҳаракатларимизга собитлик олиб келди. Ёш авлод камолоти учун кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг тобора юксалаётгани, имкониятларнинг кенгайиб, мустаҳкамланаётгани чексиз ифтихор, кўнгилларга ғурур бахш этмоқда.

Юртбошимиз айтган «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» ҳикмати қатида нафақат жисмоний соғломлик, балки маънавий баркамоллик масаласи асосий эътиборда турганлиги маълум.

Инсониятнинг доимий ҳамроҳи бўлиб келаётган адабиёт ҳар доим эзгулик бонгини уриб, унинг кўзини очиш, қалбини ҳаётбахш нурлар билан мусаффо этишга хизмат қилиб келди. Зеро, бадиий адабиётда битмас-туганмас маърифий, маънавий-ахлоқий, бадиий-эстетик имкониятлар мавжуд бўлиб, улар инсон шахсининг шаклланиши, такомили ва камолга етишувида жуда катта таъсирга эга.

Бугунги кунда оиланинг мураккаб масалалари ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги турли муносабатларни реалистик таҳлил эта билиш, шу билан бирга янги авлод руҳига аждодлар олдидаги бурч ҳамда маъсулиятини англата олиш, маънавий соғломлаштириш бадиий адабиётнинг янада муҳим муаммоларидандир.

Ўтган асрнинг сўнгги чораги ҳамда янги аср бошларида юқоридаги муаммолар акс этган айрим бадиий асарлар дунёга келди. Уларда давр мафкурасининг оталар ва болалар муносабатларига ва уларнинг бадиий адабиётдаги талқинларига таъсири масаласига эътибор қаратамиз.

XX аср ўзбек халқи тарихида ҳам энг долғали, энг мураккаб, энг зиддиятли давр бўлди. Қарийб 130 йил давом этган мустамлакачилик сиёсати халқимизни ҳар томонлама камситишга қаратилди. Натижада ўзининг шонли тарихидан, маънавий қадриятларидан, муқаддас диний эътиқодидан, миллий ўзига хослигидан жудо бўлди, энг яхши анъаналарини унутди. Рус мустамлакачиларининг тазйиқи остида кўпгина умрбоқий урф-одатларимиздан воз кечиб, янгича социалистик маданият шаклларини эгаллай бошладик. Кечаги кунимизни бутунлай инкор этдик, унга нафрат руҳида тарбияландик. Бугунимизни кўкларга кўтариб, эртамизни тенги йўқ кошона деб тасаввур этдик.

Афсуски, бундай қарашлар миллатнинг бадиий кўзгуси бўлмиш адабиётимизда ҳам ўз аксини топди. Айниқса, оталар ва болалар ўртасидаги муносабатлар янгича шароитда синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан талқин этила бошланди. Социалистик тузум тузини тотган ёш авлод ҳеч иккиланмай ўз отасини инкор этди. Бу қилмишидан заррача ўкинмади, аксинча, ўтмиш сарқитини фош этган совет кишиси эканлигидан фахрланди.

Адабиётда оталар изидан бормай, уларнинг ишларини давом эттирмай, янгича йўлдан юрган ёшлар асосий қаҳрамон қилиб олинди. Натижада ўзбекларнинг ҳам ўзига хос Павлик Морозовлари етишиб чиқди.

Ф.Кийикбоев *– АДУ ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.*

Бинобарин, XX асрнинг 70-йилларигача ҳаётда чуқур томир отган шахсга сиғиниш иллатлари, «социалистик реализм» методи талаблари, коммунистик партиянинг бадиий адабиётга йўл-йўриқ кўрсатиши, ижод жараёнига бевосита аралашуви, буйруқбозлик ва кўрсатмалар адабиёт ва санъат асарларининг ҳаётийлигига салбий таъсир кўрсатди, қаҳрамонларни миллий заминдан айирди. Энг ёмони, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясини бузди. Шу боисдан мақоламиз объекти бўлган оталар ва болалар муаммоси ҳам узоқ вақтгача «коммунистик ахлоқ нормалари» асосида ҳал этилганлигини айтиш ўринлидир.

Мустақилликка эришганимиздан кейин бу мавзуни рўй-рост ёритиш имкони туғилди. Саид Аҳмаднинг «Сароб», «Азроил ўтган йўлларда», «Борса келмас дарвозаси», «Буқаламун билан учрашув», «Офтоб ойим», «Қоракўз Мажнун» каби ҳикояларида ана шундай воқеалар қаламга олинади.

Бу жиҳатдан С.Аҳмаднинг «Сароб» деб аталган ҳикояси характерлидир. Аввало, ҳикоянинг номланиши хусусида: асарни мутолаа қилган ўқувчи унда бирор марта ҳам «сароб» сўзи ишлатилганини кўрмайди. Бироқ ҳикоя қаҳрамони Кимсанбойнинг фожеий қисмати у чин дилдан ишониб хизмат қилган совет ҳукуматининг, кўксига суратини чиздириб, умр бўйи бирга бўлишни орзу қилган Сталин шахсининг сароб бўлиб чиққанини исботлайди ва муаллифнинг ғоявий ниятини янада аниқроқ ифодалашга ёрдам беради. Бу ният адиб томонидан танланган бош сўзда (эпиграф) тағин ҳам кучлироқ жаранглайди. Бухоролик 100 ёшли темирчи Усто Амин бобонинг ўгитларидан олинган «Ота қарғиши мисоли ўқ, у охиратда эмас, шу дунёнинг ўзида нишонга тегади» деган сўзи бевосита Кимсанбойга тегишли эканлиги ҳикоя сўнгида росмана англашилади.

Ҳикоя лагерь ҳаётидан олиб ёзилган. Асар ҳикоячи-муаллифнинг «Бугун лагеримизга янги маҳбусларни олиб келишди» деган хабари билан бошланади. Улардан биттаси ҳикоячига жуда таниш кўринди. Айниқса, «унинг ғамгин ва лекин лоқайд кўзлари...« [2.9] кимнидир эслатарди. Шундан сўнг муаллиф-ҳикоячининг хотира-блоки ишга солинади. Бунинг учун адиб маҳбусларга тикилиб турган яна бир қаҳрамон «умрининг ўн беш йилдан ортиғини лагерларда ўтказаётган Олимжон домла» нуқтаи назаридан фойдаланади. Ўша таниш башара ана шу «индамас домла»нинг тилаб олган ўғли Кимсанбой эди.

Ёзувчи ҳикояда оталар ва болалар ўртасидаги муаммонинг пайдо бўлишида тарбиявий омилнинг ролига эътиборни тортади. «Отаси Олимжон Раҳмонов район маориф бўлимининг мудири эди. Тарих билимдони бўлган бу одамни райондаги жами тарих ўқитувчилари устоз деб атардилар» [2.12]. Ана шундай обрўли ва илмли ўқитувчининг оиласида улғайган болалар, албатта, одобли ва оқил бўладилар деб ўйлаймиз. Бироқ муҳит бола тарбиясига ўз ҳукмини ўтказди. Маълумки, тарихда ота-боболаримиз, айниқса, подшолар ўз фарзандларининг тақдирини билимдон ўқитувчилару қаттиққўл мураббийлар қўлига топширганлар. Ниҳолни тарбиялаган боғбон оқилу доно бўлса, меваси тотли, муғомбиру нодон бўлса, ҳосили пуч ва тахир бўлиб етишган. Кимсанбойнинг тарбиячиси эса нияти бузуқ, ғаддор тузум эди. Олимжон аканинг иши кўплигидан бола тарбияси билан алоҳида шуғуллана олмади. Боз устига у ўз ҳаётини бағишлаган ва ўзи ҳам раҳбарлик қилаётган совет таълими тизимига ишонар, болаларимиз тўғри тарбияланяпти деб ўйларди. Кимсанбой ҳам мактабда аъло ўқийди, фаол пионерлардан бири. У кўп шеър ёдлаб, турли йиғинларда завқ-шавқ билан берилиб декломация қилади. Тўғри, ота бир-икки марта ўғлини «бундай ҳавойи ишларга жуда ҳам берилиб кетмас»ликка, кўпроқ дарсини тайёрлашга, жамоат ишларини дарсдан кейин бажаришга ундади. Бироқ уни кўз остига олиб қўйган мураббийлари боланинг фаоллигидан бошқа мақсадларини амалга оширишда фойдаландилар. Яна шуниси ҳам борки, ўғлининг фаоллиги отага ҳам хуш ёқарди. Ахир, кимсан район халқ маорифи бўлими мудирининг ўғли «район, ҳатто вилоят миқёсида ўтадиган тантанали йиғинларда, слётларда, ўқитувчиларнинг конференцияларида» [2.14] Ленин, Сталин тўғрисида шеърлар ўқиса, ёмонми? Хуллас, ўғлининг келажагидан отанинг кўнгли тўқ эди. Шунинг учун «Домла китоб титиш билан овора» бўлиб уни ўз ҳолига қўйди. Бундан эса Кимсанбойнинг мураббийи усталик билан фойдаланиб, ундан отасининг душмани – ўзбекнинг Павлик Морозовини ясади. Бўлғуси мукофотлар, Бутуниттифоқ пионерлар слётида қатнашиш, Иттифоқ оқсоқоли Калинин қўлидан орден олиш, шахсан Сталинни кўриш ўсмир Кимсанбойнинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйди.

Ёзувчи ота ва бола ўртасида пайдо бўлган жарликнинг кимларнингдир сайъ-ҳаракати билан тобора чуқурлашиб боришини босқичма-босқич тасвирлайди. Ўзи рози бўлган ишнинг ҳақлигига, ГПУ ходими М.Мансуровнинг мақтовларига ишонган Кимсанбой қамоққа олинган отаси билан юзлаштирганларида тап тортмай отасининг сотқинлигини фош этди. Домла ўғли Кимсанбой айтган гапларни эшитиб «ёқасини ушлади». Аммо ғишт

қолипдан кўчган эди. Унинг фақат «Илоё, жувонмарг бўл! Умринг хор-зорликда ўтсин!» деб қарғашга кучи етди, холос. Ўғил эса бунга парво ҳам қилмайди ва соябонларининг ҳомийлигида ғолибона юришини давом эттиради. У энди «халқ душмани»нинг боласи эканлигидан ор қилади ва сотқинлик йўлида навбатдаги қадамни қўяди.

«Мен ҳаёт-мамот жангига кетяпман, – дейди армия сафига чақирилган 20 ёшли Кимсанбой фронтга кетаётганларни тантанали кузатиш маросимида. – Халқ душманининг ўғли бўлиб эмас, асл ватанпарвар, доҳий Сталин фарзанди бўлиб урушга кираман. Бугундан бошлаб фамилиям Олимжонов эмас, Ёлқинов бўлди. Кўксимда буюк Сталин билан жангга кираман!» [2.18].

Совет ҳукумати кўзлаган мақсадига эришди, ёш авлод ўртасида олиб борилган тарбиявий иши самарасини берди, болалар ўз оталаридан воз кечдилар. Энди давлатга бундай кимсаларнинг кераги йўқ, ширасини сўриб олинди, пўсти туфлаб ташланса бўлаверади. Худди шундай бўлди. Кимсанбой Ёлқинов аввал урушга жўнатилди (мабодо жангда ҳалок бўлса, яна бир бор намуна қилиб кўрсатиларди – Ф.К), кейин душманга асир тушганлиги учун сотқин сифатида қамоққа олинди. Ота-болалар 18 йилдан кейин лагерда учрашдилар, «Олимжон домла ўғлини таниди. Аммо Кимсанбой отасини танимади» [2.19]. Бу табиий эди. Чунки, иродасиз, имонсиз кимсалардан қўғирчоқ ясаб, сотқин сифатида фойдаланган тоталитар тузум уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан мажруҳ қилган эди. Имонли, эътиқодли ота қарғишининг охиратда эмас, шу дунёнинг ўзидаёқ нишонга тегканлиги абгор бир аҳволда «кийимини ечмай ётган, боши бир томонга қийшайган маҳбус – собиқ қаҳрамон пионер Кимсанбой Олимжонов» қиёфаси орқали аён бўлади. Кечаги «морозовчи» ўғил бугун ниҳоятда ногирон, аянчли аҳволда, телба бир қиёфада кўринарди. Чунки у қайси лагерда бўлмасин, болалигида орттирган «ҳунари» – сотқинликни давом эттирган, бунинг учун маҳбуслардан тегишли «мукофоти»ни олган, маълумот ёзадиган ўнг қўли тирсагидан синдирилган, энсасига белкурак билан урилганидан «боши гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ўзидан-ўзи бурилиб қоладиган, соғ қўли билан тўғрилаб, олдинга қаратиб қўйса, боши мусичанинг калласидек олд-орқасига силтаниб, бориб-келаверадиган бўлиб қолганди» [2.21].

Нобакор ўғил отанинг кўз олдида минг азоб билан жон таслим қилади, қилмишларидан пушаймон бўлиб, кўксига пичоқ уради. Ўлими олдидан ҳикоячи орқали отасидан узр сўрайди. Ундан «дадам қамоқдан қайтиб келган бўлса, менинг узримни етказинг. Гуноҳини қони билан ювди, деб айтинг» деб илтимос қилади [2.25]. Аммо ўзини оқлаш учун қилган бу ҳаракати ўқувчида ҳайрихоҳлик туғдирмайди. Аксинча, ит ўлими билан ўлган, жанозасиз ва кафансиз кетган бу номарднинг фожиаси ўқувчини ҳушёр торттиради ва оталар олдидаги фарзандлик масъулиятини оширади.

С.Аҳмаднинг «Қоракўз мажнун» ҳикояси ҳам ўткир руҳий драматизми билан эътиборга молик. Унда ҳам миллий, исломий руҳиятдан чекиниш ҳолатларининг илдизи ўша мустабид тузум сиёсати, мафкураси ва ахлоқий ақидаларига бориб туташганлигига гувоҳ бўламиз. Унда шўро армиясида хизматни ўтагач, рус қизига ошиқу беқарорлик туфайли она юрти, ота-онаси, тили, ҳатто дини, имон-эътиқодидан воз кечган ўзбек йигити Бўрихоннинг ачинарли тақдири ҳикоя қилинади.

Ўттиз икки йилда ғойибини топган она ўғлининг тили, меҳри, дини-имонидан кечганлигини кўриб, жон таслим қилади. Маънан оқпадар бўлган бу ўғил онасини тупроққа ўз қўли билан қўйиш у ёқда турсин, таъзияга ҳам қатнашмай «ўз юрти»га жўнаб кетади. Асардаги ота-онанинг бу дунёдан армон, алам ва ўкинчлар билан видолашувига сабаб бўлган оқпадар ўғил тимсолида миллий-ахлоқий қадриятларимизни топташга қаратилган мудҳиш тузум сиёсатининг жирканч маҳсули ҳам аянчли қурбонини кўрамиз.

Адибнинг «Азроил ўтган йўлларда» ҳикоясида эса ижтимоий, маънавий-ахлоқий иллатлар яна ўша машъум сиёсатнинг мудҳиш оқибатлари тарзида намоён бўлади. Асарда ўтган асрнинг 80-йилларида мустабид бошқарув томонидан миллатимиз бошига тушган ва «Ўзбеклар иши» деб ном олган навбатдаги қатағон ёритилади. Унда собиқ шўро терговчилари қўлида азоб чеккан ҳамюртларимизнинг аянчли қисмати билан бирга ота-бола Жалол полвон ва Қўчқор Жалолов ўртасидаги муносабатларнинг ўзгача психологик таҳлилига дуч келамиз. Асарда халқимиз бошига кулфатлар келтирган шўро «десантчилари»нинг ялоқхўри бўлиб хизмат қилган терговчи Қўчқор Жалоловнинг ҳамюртларимиз бошига солган қора кунлари, руҳий, жисмоний азоблари, очкўзлик билан тортиб олиб, қўйнига урган ҳаром бойликлари, бузуқлик ва қотилликлари ҳикоя қилинади. Қўчқорни ҳаромхўрлик, маиший бузуқлик ҳалок қилади.

Ҳикояда Жалол полвон билан Қўчқор ўртасидаги очиқ ва кескин тўқнашувлар, келишмовчиликлар жараёни эмас, ўғлининг қилмишлари оқибатида ота руҳиятида кечаётган шиддатли туғёнлар силсиласи ўз ифодасини топган. Ахлоқий бузуқлик йўлига кирган Қўчқор ўйнашининг эри томонидан отиб ўлдирилади. Бунинг сабабини билган

ва эл-юрт олдида юзи шувит бўлган полвон руҳий изтиробларга чидолмай хасталикка чалинади. Ўғлининг ўлимидан сўнг Жалол полвон сиҳатгоҳга даволаниш учун боради. Аммо бу ерда ҳам у ўғлининг қилмишлари туфайли тортаётган руҳий азобдан қутула олмайди. Аксинча, бу ерда унинг ички дарди янада кучаяди. Негаки, сиҳатгоҳда тасодифан ўғли Қўчқордан ноҳақ жабр ва озор кўрган аламзадалар билан ҳамхона бўлиб қолади. Дунёда энг мудҳиш ҳақорат – аблаҳ фарзанд орқасидан отанинг бошига ёғилган лаънатлар эканлигини Жалол полвон ҳис қилиб, мум тишлайди. Ўша разил Қўчқорнинг отаси эканлигини уларга айтолмайди, номус қилади. Ич-ичидан зил кетади.

«Ўғлининг бегуноҳ одамлар бошига ёғдирган мусибатлари беҳисоб эди». Ота ўз ўғли дунёга келган соатларга лаънатлар ўқийди, ундан маънан воз кечади. Ота сиҳатгоҳдан қайтгач, бир ҳафта ўтиб, ўғли тўплаган ҳаром бойликларни ўз эгаларига олиб бориб топшириб, виждони таскин топади. Руҳан покланган ҳолда жон таслим қилади.

Хуллас, ёзувчининг «Қоракўз мажнун», «Сароб», «Азроил ўтган йўлларда» ҳикояларида она ва фарзанд, ота ва ўғиллар ўртасидаги кескин муносабатлар илдизи аср фожиаси, мустабид тузум сиёсати, мафкураси, ахлоқий ақидаларга бориб туташади; жамики кўргуликлар, фожиалар машъум сиёсатнинг мудҳиш оқибати тарзида кўрсатилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Ахмад С. Қора кўз мажнун.- Т.: Ўзбекистон, 2001
3. Норматов У. Истиқлол илҳомлари. // С.Аҳмад. Қоракўз мажнун. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

2014 йил 9 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Й. Солижонов)